



Issues of qualification of crimes committed by a special subject

Kumriniso ABDURASULOVA¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2023

Received in revised form

15 July 2023

Accepted 15 July 2023

Available online

25 August 2023

Keywords:

minor,
composition of crime,
subject of crime,
age,
sanity,
natural person,
criminal qualification.

ABSTRACT

This article is devoted to the issues related to the qualification of crimes with a special subject, in which the special subject, which is a sign of the subject of the crime, and its signs are studied as one of the important signs of the crime in the qualification of the act. Also, a special subject who has committed a socially dangerous act provided for in the criminal law and law, if he has reached the age of criminal responsibility specified in this law, is sane, is considered the subject of the crime, as well as the scientific views and researches of scientists about him, the similarities between them and the different aspects are described in detail. At the same time, it is stated that in cases where there are no symptoms of a special subject, a slightly different situation occurs, in some cases, this crime means that it does not exist at all, while in other cases, criminal liability exists under other articles, that is, only the criminal-legal qualification changes. In the first case, for example, taking a bribe by a person who is not an official excludes criminal liability for this crime, because only an official can be the subject of this crime (Article 210 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan). In the second case, the work of the institutions for the execution of the penalty of deprivation of liberty According to Part 2 of Article 220 of the Criminal Code, only extremely dangerous recidivists, persons convicted of serious or extremely serious crimes are criminally responsible, and other persons are held responsible for the aforementioned actions in accordance with Part 1 of Article 220 of the Criminal Code.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss4-pp160-168>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Doctor of Law, Professor, Department of Criminal Law, Criminology and Anti-Corruption, Tashkent State University of Law. Tashkent. Uzbekistan. E-mail: q.abdurasulova@gmail.com. ORCID: <https://0000-0002-6010-5707>.

Махсус субъектли жиноятларни квалификация қилиш масалалари

Калит сўзлар:
жиноят таркиби,
жиноят субъекти,
ёш,
ақли расолик,
жисмоний шахс,
жиноят квалификация.

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола махсус субъектли жиноятларни квалификация қилиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган бўлиб, унда жиноят таркиби субъектининг белгиси бўлган махсус субъект ва унинг белгилари қилмишни квалификация қилишда жиноят таркибининг муҳим белгиларидан бири сифатида ўрганилган. Шунингдек, жиноят ҳуқуқида ва қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган махсус субъект, агар у мазкур қонунда белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш ёшига тўлган, ақли расо бўлса, жиноятнинг субъекти деб топилиши, шунингдек, у тўғрисидаги олимларнинг илмий қарашлари, тадқиқотлари, улар ўртасидаги ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлар атрофлича баён қилинган. Шу билан бирга, махсус субъектнинг аломатлари бўлмаган ҳолларда бир мунча р бошқача вазият юзага келиши, баъзи бир ҳолларда бу жиноят мутлақо мавжуд эмаслигини билдирса, бошқа ҳолларда жиноий жавобгарлик бошқа моддалар бўйича мавжуд бўлиши, яъни фақат жиноят-ҳуқуқий квалификация ўзгариши баён қилинган.

Вопросы квалификации преступлений, совершаемых специальным субъектом

Ключевые слова:
состав преступления,
специальный субъект,
возраст,
вменяемость,
физическое лицо,
квалификация
преступника.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена вопросам квалификации преступлений с участием специального субъекта. В ней рассматриваются особенности квалификации преступных деяний, связанных с присутствием специального субъекта, как признака состава преступления. Также исследуется роль специального субъекта, совершившего общественно опасное деяние, предусмотренное уголовным и законодательством, при условии достижения им возраста уголовной ответственности, установленного данной законодательной нормой, и наличия вменяемости. Специальный субъект рассматривается как субъект преступления. Кроме того, в статье подробно описываются научные взгляды и исследования ученых по этому вопросу, а также отмечаются сходства и различия между ними в различных аспектах. Вместе с тем констатируется, что в случаях отсутствия признаков специального субъекта возникают иные ситуации. В одних случаях это означает отсутствие самого преступления, а в других случаях уголовная ответственность возникает по другим статьям, то есть изменяется только уголовно-правовая квалификация. Например, в первом случае получение взятки лицом, не являющимся должностным, исключает уголовную ответственность за

данное преступление, поскольку субъектом данного преступления может быть только должностное лицо (см. статью 210 УК РУз). Во втором случае, например, учреждения исполнения наказания в виде лишения свободы, к уголовной ответственности подлежат только особо опасные рецидивисты, лица, осужденные за тяжкие или особо тяжкие преступления, в то время как другие лица несут ответственность за указанные действия в соответствии с частью 1 статьи 220 УК РУз.

Жиноят кодекси нормаларини амалда тўғри қўллаш, жумладан, жиноятларни тўғри квалификация қилиш ҳам жиноятчиликка қарши муваффақиятли кураш олиб боришнинг муҳим шартларидан биридир.

Жиноятни квалификация қилиш муайян ҳодисани сифат белгиларига қараб, маълум тур, тоифага мансуб деб топиш демақдир. Жиноятни квалификация қилиш унга юридик баҳо бериш, мазкур жиноятнинг аломатлари мавжуд бўлган муайян жиноят ҳуқуқи нормасини белгилаш ҳисобланади.

“Жиноятни квалификация қилиш жиноят қонунда назарда тутилган муайян жиноят таркибининг аломатларига мазкур муайян қилмишнинг мувофиқлигини аниқлашдан иборат” [1, Б. 4], деб қайд этган эди А.А. Герцензон.

Жиноятни квалификация қилиш - бу “содир этилган қилмишнинг аломатлари билан жиноят ҳуқуқи нормасида назарда тутилган жиноят таркибининг аломатлари ўртасида мавжуд қатъий мувофиқликни аниқлаш ва уни юридик мустақамлаш”дан иборат [2, Б. 8]. Бинобарин, айбдорни жинойий жавобгарликка тортиш ва унга нисбатан жазо чорасини қўллаш учун мазкур шахснинг қайси қонунни бузгани, қандай жиноят содир этилганлигини кўрсатиш, яъни жиноятчининг қилмишини тўғри квалификация қилиниши зарур.

Жиноятни квалификация қилиш содир этилган қилмишда жиноят таркибининг барча аломатлари мавжудлигини аниқлашни назарда тутлади. Жиноятни квалификация қилиш ҳаммиша амалда аниқланган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш, демақдир.

Содир этилган жиноятнинг амалдаги ҳолатларини тўғри ва тўлиқ аниқлаш жиноятни тўғри квалификация қилишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Жиноятни квалификация қилиш, жиноят-ҳуқуқий баҳо бериш сифатида, кўриб чиқиладиган ижтимоий хавфли қилмиш жиноят қонунининг қайси нормасида назарда тутилганлиги ҳақида хулоса чиқарилишини билдиради.

Жиноятни квалификация қилиш жараёнида содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг аломатлари қонундаги шунга ўхшаш барча жиноятларнинг квалификация қилиш аломатларига таққосланади. Муайян ҳаётий вазиятда жиноят қонунда тавсифланган вазиятга ўхшашликни аниқлаш жиноят қонунини амалда қўллашнинг муҳим босқичларидан биридир.

Бинобарин, жиноятни квалификация қилишни шахснинг жинойий фаолияти ҳақидаги муайян фактнинг Жиноят кодекси Махсус қисми муайян нормасида назарда тутилган жиноят таркиби аломатларига мувофиқлигини аниқлаш ва мазкур жинойий фаолиятга жиноят ҳуқуқий баҳо бериш, деб тушуниш лозим.

Ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмиш кўплаб турли-туман ҳолатлар ва фактлардан ташкил топади. Аммо тегишли жиноят таркиби аломатларининг мавжуд

бўлиши билан бир вақтда, қилмишнинг жиноятлиги ва жазога сазоворлигига таъсир кўрсатувчи амалдаги ҳолатларгина жиноят ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Қилмишнинг амалдаги ҳолатлари аниқланганидан кейин муайян жиноят ҳуқуқий нормани танлаш ва унга мувофиқ шахс томонидан содир этилган жиноятни квалификация қилиш лозим бўлади.

“Бир қарашда жиноятни квалификация қилишга турғунлик хосдек бўлиб туюлади. Амалда бу турғунлик нисбийдир. Суднинг қонуний кучга кирган ҳукмида мустақамланганидан кейингина жиноятнинг квалификацияси турғун аҳамият касб этади” [3, Б. 144], деб қайд этади Г.А.Левицкий.

“Жиноятни тўғри квалификация қилиш - мазкур жиноятнинг юридик, бинобарин, ижтимоий-сиёсий моҳияти ва мазмунига қонун нуқтаи назаридан баҳо бериш, бундай қилмишга умумий тавсиф берилган ҳуқуқ нормасига унинг мувофиқлигини аниқлаш демакдир. Жиноятни тўғри квалификация қилиш - жиноят қонунининг барча қоидаларига қатъий риоя қилиш демакдир” [4, Б. 143].

Ишнинг амалдаги ҳолатларига ҳукмда баён этилган суд ҳулосаларининг номувофиқлиги ва жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланиши ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 488-моддаси).

Жиноятни квалификация қилишнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти катта. Жиноят иши бўйича айблов ҳукмини чиқаришда суд мазкур ижтимоий хавфли қилмишда жиноят ҳисобланишини ва Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилганини аниқлаши шарт (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 457-моддаси).

Судланувчи томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни тўғри квалификация қилиш - жиноят қонуни, яъни одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланган жиноят қонунининг муайян моддаси (моддалари)ни аниқ ва тўғри қўллаш демакдир. Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-моддасига мувофиқ, «Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айб ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак». Бинобарин, судланувчи жиноят қонунининг назарда тутилган жиноят содир этган ҳар бир муайян ҳолатда жиноят қонунининг моддаси (моддалари)ни аниқ кўрсатилиши жиноятни тўғри квалификация қилишнинг муҳим шарт ҳисобланади.

Жиноятни квалификация қилиш маълум ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқиши учун юридик асос бўлиб хизмат қилади.

Жиноят содир этилганида, яъни юридик факт мавжуд бўлганида, жиноят содир этган шахс ва давлатнинг қонунни қўлловчи органлари ўртасида муайян жиноят-ҳуқуқий муносабат вужудга келади. Мазкур муносабатнинг мазмуни жиноят содир этган шахсда давлат томонидан қўлланиладиган мажбурий таъсир чораларига бўйсуниб мажбуриятини, давлатда эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари орқали айбдорга нисбатан жиноий жазо қўллаш ҳуқуқининг вужудга келиши билан белгиланади. Бунда жиноят содир этган шахс ўзига нисбатан барча процессуал ҳаракатларни амалга оширишда қонунийликка риоя қилинишини, шунингдек, ўзига жиноий жазо тайинлашда одиллик ва инсонпарварлик принципларига риоя этилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш жиноят ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи юридик факт ҳисобланади.

И.Я.Козаченконинг фикрига кўра, “жиноят ҳуқуқий муносабатлар жиноят содир этилган вақтдан бошлаб вужудга келади. Шу пайтдан бошлаб давлат қонунда белгиланган жиноий жазонинг мақсадларига эришиш учун жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқларини чегаралаш ҳуқуқига эга бўлади, айбдор эса суднинг ҳукмига кўра, унганисбатан тайинланган шахсий, мулкӣ ёки бошқа маҳрумликларга чидашга мажбурдир” [5, Б. 222, 7, 25]. Жиноят-ҳуқуқий муносабатлар жиноят содир этилган вақтдан вужудга келса-да, улар маълум шартлар бажарилганидан кейингина амалга татбиқ этилиши мумкин.

Суриштирув ва дастлабки терговни ўтказиш ҳамда жиноят ишини судда кўришда қуйидагиларни исботлаш талаб этилади: 1) жиноят ҳодисаси (жиноят содир этилган вақт, жой, жиноятнинг содир этиш усули ва бошқа ҳолатлар); 2) айбланувчининг жиноятни содир этишда айбдорлиги ва жиноятнинг мотивлари; 3) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28- ва 34-моддаларида кўрсатилган, айбланувчининг жавобгарлиги даражаси ва хусусиятига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар, шунингдек айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар; 4) жиноят натижасида етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори.

Юқорида зикр этилган ҳолатларни исботлашнинг зарурлиги жиноят-ҳуқуқий муносабатнинг муайян турини тўғри аниқлаш, яъни содир этилган жиноятни тўғри квалификация қилиш имконини беради.

Жиноий қилмишда жиноят таркиби элементларидан бирининг йўқлиги суд амалиётида кўпинча судланувчиларнинг асосиз жазога ҳукм этилиши ва ҳукмларнинг бекор қилинишига олиб келади. Ваҳоланки, ҳар қандай жиноят таркибининг мазмунини фақат унинг аломатларини аниқлаш йўли билан тушуниб етиш мумкин.

“Жиноят таркибининг барча аломатлари Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддасининг матнида, унинг диспозициясида ўз ифодасини топади” [6, Б. 184, 259, 61]. Бир қатор муаллифларнинг ҳар қандай жиноят таркибининг аломатлари ЖК Махсус қисми моддасининг диспозициясида, яъни маълум жиноятнинг аломатлари баён этилган қонундаги таърифида тўғридан тўғри назарда тутилган, деган фикри бир қарашда асослидек туюлади, Масалан, ЖК 211-моддаси 1-қисми диспозицияси пора бериш жиноятини «пора бериш» деб таърифлайди. Бу жиноят қонуни моддасининг диспозицияси демакдир.

Аммо, ЖК Махсус қисми моддаларининг диспозицияларида жиноят таркибининг аломатларига тўлиқ таъриф берилмаганлигини эътиборга оладиган бўлсак, муаллифларнинг юқорида зикр этилган фикри ҳақиқатга зид бўлиб чиқади. Зотан, ЖК Махсус қисми моддаларида тажовуз объекти ҳам, жиноят субъекти ҳам, жиноятнинг субъектив томони ҳам кўрсатилмаган. ЖК Умумий қисмидаги қоидага асосан, ЖК Махсус қисми моддаларининг диспозицияларида жиноят объектив томонининг баъзи бир аломатларигина кўрсатилади. Масалан, ЖК 114-моддаси (жиноий равишда ҳомила тушириш (аборт) 1-қисми диспозициясида жиноятнинг объектив томони: «Шифокор-акушер ёки гинеколог томонидан даволаш муассасаларидан ташқари жойларда ёки тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолда сунъий равишда ҳомила тушириш», деб таърифланган. ЖК 114-моддаси 1-

қисмининг диспозициясида мазкур жиноят таркибининг мазмуни тўлиқ очиб берилмаган. Унда фақат иккита аломатга: Биринчиси – жиноий равишда ҳомила тушириш (аборт)нинг объектив томонига тегишли аломат (шифокор акушер ёки гинеколог томонидан даволаш муассасаларидан ташқари жойларда ёки тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолда сунъий равишда ҳомила, тушириш), иккинчиси эса – жиноят субъектига тегишли белги (шифокор акушер ёки гинеколог) таърифланган. Жиноят таркибининг жиноят объектив ва субъектив томонига тааллуқли бўлган бошқа аломатларининг тавсифи ЖК 114-моддаси 1-қисмида кўрсатилган. Мазкур аломатларнинг мазмунини аниқлаш учун ЖК Махсус қисмининг бошқа моддаларига, жумладан, мазкур жиноятнинг объекти ва субъектив томони таърифланган моддаларга мурожаат этиш лозим.

Юқорида келтирилган мисолдан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, ЖК 114-моддаси 1-қисми диспозициясида жиноят таркибининг аломатлари, жумладан, жиноят объектив томони ва жиноят субъектининг аломатлари кўрсатилган бўлса-да, аммо жиноят таркибининг бошқа аломатлари, масалан, жиноий равишда ҳомила тушириш таркибининг субъектив томони ва объекти кўрсатилмаган.

Бу ҳақда Н.Ф. Кузнецова шундай деб қайд этган эди: “Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида муайян жиноят таркибларига хос бўлган аломатларгина кўрсатилган. Барча жиноятлар учун умумий ҳисобланган таркибларнинг аломатларини эса қонун чиқарувчи ЖКнинг Умумий қисмида кўрсатган, зеро, унинг вазифаси ҳам ана шундан иборатдир” [7, Б. 6].

“Ҳуқуқ соҳасида квалификация қилиш – айна ҳолат назарда тутилган ҳуқуқ нормасини танлаш, бошқача қилиб айтганда, мазкур ҳолатни маълум умумий қоидага бўйсундириш демак” [8, Б. 6], деб қайд этади В.Н. Кудрявцев.

Жиноятни квалификация қилиш, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, содир этилган ижтимоий хавfli қилмиш билан ЖК Махсус қисмининг муайян жиноят-ҳуқуқий нормасида назарда тутилган жиноят таркибининг аломатлари ўртасидаги қатъий мувофиқликни аниқлаш ва уни юридик мустаҳкамлашдан иборатдир. ЖК Махсус қисмининг моддаларида жиноятга берилган жиноят-ҳуқуқий баҳо жиноят таркиби кўринишида таърифланади.

А.Н.Трайнин жиноят таркибига “давлат учун ижтимоий хавfli бўлган муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни қонунга мувофиқ жиноят деб белгилайдиган аломатлар (элементлар) мажмуи” [9, Б. 59], деб таъриф берган эди.

Ҳар қандай жиноят ишини тергов қилиш ва кўриб чиқишда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган, яъни жиноят моделини кўрсатувчи муҳим, зарур аломатлар (жиноят таркибининг тавсифловчи аломатлар) аниқланиши ва уларга баҳо берилиши лозим.

Жиноят таркиби ижтимоий хавfli қилмишни ташкил қилувчи ва жиноят қонунига мувофиқ маълум жиноят турига мансуб деб кўрсатувчи объектив ва субъектив аломатлар мажмуи ҳисобланади. Жиноятни квалификация қилиш муайян жиноятнинг аломатлари жиноят таркибининг аломатлари билан бир хиллигини аниқлаш назарда тутилади, бошқача қилиб айтганда, содир этилган жиноятнинг амалдаги ҳолатлари муайян жиноят-ҳуқуқий нормада назарда тутилган тегишли жиноят таркибининг аломатлари билан таққосланади. Жиноий жавобгарликка тортишнинг ягона асоси – жиноят таркибида шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур энг муҳим аломатлар мавжуд бўлади. Мазкур аломатларнинг биттаси

бўлмаса ҳам, “жиноят таркиби” тизими бузилади, яъни маълум жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

Ишнинг амалдаги ҳолатларини аниқлаш ва муайян жиноят-ҳуқуқий норма (нормалар)га мувофиқлигини аниқлаш хусусий ва умумий ҳодисаларнинг ўзаро нисбати сифатида ўрганилади. Масалан, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланган жиноят-ҳуқуқий нормада қўйидаги аломатларни кўрсатиш орқали мазкур жиноятнинг барча кўринишлари берилган: “ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса” (Ўзбекистон Республикаси ЖК 205-моддаси). Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилишнинг муайян кўринишлари хилма-хилдир, чунки мазкур жиноят мансабдор шахслар фаолиятининг ҳар хил соҳаларида содир этилиши мумкин, аммо уларнинг барчасида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш учун жинойий жавобгарлик назарда тутилган жиноят-ҳуқуқий нормада таърифланган аломатлар мавжуддир. Уларнинг барчаси (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилишнинг амалдаги ҳолатларида муайян фарқлар мавжудлигига қарамай) ўзаро мос келади, чунки ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш билан боғлиқ ҳар қандай жиноятни содир этган шахс мазкур қилмишни ўзининг ҳокимият ёки мансаб ваколатимни суистеъмол қилиб содир этаяпман, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам мазкур жиноятни квалификация қилишда ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш ҳолатларини бир-биридан фарқлаш имконини берадиган барча тасодифий тавсифларга эътибор берилмайди ва жиноят қонунида таърифланган бирлаштирувчи аломатларгина (“ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса”) ҳисобга олинади.

Айбдорлик ҳамиша муайян ҳодиса ҳисобланади, бинобарин, шахсга нисбатан муайян жазо чорасини қўллаш учун суд унинг жиноят содир этиш ҳолатини, у айнан қандай жиноят содир этганлигини ва ниҳоят, мазкур шахснинг айнан мана шу жиноятни содир этишда айбдорлигини аниқлаши лозим. Айбланувчининг айбдорлиги суд томонидан қонунда белгиланган тартибда исботланган тақдирдагина мазкур айбланувчига нисбатан жинойий жазо чоралари қўлланилиши мумкин. Айбсиз, содир этилган қилмишга нисбатан асосланган руҳий муносабатсиз, қилмиш натижасида қандай оқибатлар рўй берганлигидан қатъи назар, шахс жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

“Жиноятни квалификация қилиш содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг аломатлари Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларидан бирида назарда тутилган муайян жиноятнинг аломатлари билан бир хиллигининг аниқланиши натижасида мазкур кодекс Махсус қисми моддаларининг қўлланишини билдиради” [10, Б. 11]. Жиноятларни квалификация қилишда ЖКнинг нафақат Махсус қисми, балки Умумий қисми нормалари ҳам қўлланиши мумкин. Зотан, шахс жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноятга суиқасд қилиш, шунингдек, жиноятда иштирокчилик учун жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин. Шунинг учун

жиноятни квалификация қилишда ЖК Махсус қисмининг мазкур жиноят учун жавобгарлик назарда тутилган моддаси, унинг тегишли қисми ва банди ҳамда ЖК Умумий қисмининг жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноят содир этишга қасд қилиш ёки жиноятда иштирокчиликнинг жазога лойиқлиги белгиловчи нормалари ҳам кўрсатилиши лозим.

Қоидага кўра, жиноятни квалификация қилиш натижалари муҳим жиноят-процессуал ҳужжатларда, энг аввало, айблов хулосаси ва суд ҳукмида ўз аксини топади. Мазкур ҳужжатларда жиноят қонунининг жиноят содир этган шахсни жинойий жавобгарликка тортиш ва жазолаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган жиноят-ҳуқуқий нормалар таърифланган бўлиши, қилмиш квалификация қилинаётган барча моддалар (ЖК Умумий ва Махсус қисмларининг моддаси, модданинг банди, модданинг қисми) аниқ акс эттирилиши лозим.

Жиноятнинг махсус субъект жиноят таркиблари ифодаланган жиноят-ҳуқуқий нормалар, ЖК Махсус қисмининг бошқа нормалари сингари, амалда қўлланилганида қилмишнинг барча элементлари ўрганиб чиқилади ва ишнинг амалдаги ҳолатларига таққосланади. Акс ҳолда амалга оширилган жиноятнинг квалификацияси тўғри бўлмайди. Мазкур нормалар баъзи бир ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари қилмишни тўғри квалификация қилиш учун мана шу хусусиятларни эътиборга олишлари шарт.

Авваламбор, қуйидаги умумий қоидани қайд этиш лозим: шахснинг ижтимоий хавфли қилмишини мансабдорлик, ҳарбий, баъзи бир хўжалик, транспорт ва бошқа жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган моддалар бўйича квалификация қилиш учун жиноятнинг субъекти ақли расолик ва жинойий жавобгарлик ёшига тўлганлик билан бир қаторда, баъзи бир бошқа хусусиятларга ҳам эга бўлиши керак. Мазкур хусусиятларнинг йиғиндиси айбдорни жиноятнинг махсус субъекти деб топиш учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шундай қилиб, жиноятнинг махсус субъекти аломатлари мавжуд бўлган ижтимоий хавфли қилмишларни жиноят-ҳуқуқий квалификация қилиш жараёнида жиноят субъектининг нафақат умумий аломатлари (айбдорнинг ақли расолиги ва жинойий жавобгарлик ёшига тўлганлиги)ни, балки алоҳида жиноятларнинг субъектларигагина хос бўлган алоҳида аломатларини ҳам аниқланиши зарур бўлади.

Жиноят субъектининг зарурий ва факультатив аломатлари - умумий ва махсус аломатларнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти бир хил эмас. Жиноят субъектининг умумий аломатлари (ақли расолик ва жинойий жавобгарлик ёшига тўлганлик)нинг биттаси бўлмаса ҳам, жиноят таркиби мавжуд бўлмайди. Масалан, ақли норасо ота ўз ўғлига пичоқ уриб, жароҳат етказган бўлса, у жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, чунки у содир этган ижтимоий хавфли қилмишда жиноят таркибининг аломатлари, жумладан, жиноят субъектининг зарурий аломати – ақли расолик мавжуд эмас. Ваҳоланки, ақли норасо шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишда жиноят таркиби бўлмайди. Бинобарин, ақли норасо шахснинг юқорида зикр этилган қилмишини жиноят-ҳуқуқий квалификация қилиш зарурати ҳам ўз-ўзидан йўқолади.

Жиноят содир этилган вақтда жиноят қонунда назарда тутилган жинойий жавобгарлик ёшига тўлмаган шахснинг қилмишини жиноят-ҳуқуқий квалификация қилиш масаласи ҳам худди шундай ҳал қилинади.

Аммо махсус субъектнинг аломатлари бўлмаган ҳолларда бир қадар бошқача вазият юзага келади. Баъзи бир ҳолларда бу жиноят мутлақо мавжуд эмаслигини билдирса, бошқа ҳолларда жиноий жавобгарлик бошқа моддалар бўйича мавжуд бўлади, яъни фақат жиноят-ҳуқуқий квалификация ўзгаради. Биринчи ҳолатда, масалан, мансабдор шахс бўлмаган шахснинг пора олиши мазкур жиноят учун жиноий жавобгарликни истисно этади, чунки фақат мансабдор шахсгина ушбу жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ЖК 210-моддаси), иккинчи ҳолатда эса озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар учун, ЖК 220-моддасининг 2-қисмига кўра, фақат ўта хавфли рецидивистлар, оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм этилган шахслар жиноий жавобгар бўладилар. Қолган шахслар юқорида зикр этилган ҳаракатлар учун ЖК 220-моддасининг 1-қисмига кўра жавобгарликка тортиладилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Герцензон А.А. Квалификация преступления. М., 1947, с. 4.
2. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. М., 1972, с. 8.
3. Левицкий Г.А. Квалификация преступления. «Правоведение», 1962, №1, с. 144.
4. Левицкий Г.А. Кўрсатилган мақола 143-бет.
5. Курс уголовного права. Т.1. Л., 1998, С. 222; Курс советского уголовного права. Т. 3. М., 1970, С. 7; Брайнин Я.М. Уголовная ответственность и ее основание в советском уголовном праве. М., 1963, с. 25.
6. Герцензон А.А. Уголовное право. Часть Общая. М., 1948, с. 184; Трайнин А.Н. Общее учение о составе преступления. М., 1957, с. 259; Уголовное право. Часть Общая. М., 1959, с. 61
7. Кузнецова Н.Ф. Преступление, состав преступления, диспозиция уголовно-правовой нормн. «Вестник МГУ», серия «Право», 1967, №54, -С. 40.
8. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. М., 1972, с. 6
9. Трайнин А.Н. Общее значение о составе преступления. М., 1957, с. 59.
10. Уголовное право. Часть Особенная. Под ред. Н.И. Загородникова и В.Ф. Кириченко. М., 1968, с. 11.